

ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омборида юз берган фавқулодда вазият сабабли 1-2 май кунлари Сирдарё вилоятида бўлди.



Сардоба сув омбори тўғонининг очилиши кутилмаган офат, эл бошига тушган яна бир синов бўлди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида халқимиз бирлашиб, саросимага тушмай, сабр-матонат ва меҳнат билан тез фурсатларда унинг оқибатларини бартараф этишга киришди. Ҳукумат комиссияси тузилиб, бу борадаги ишларга барча куч ва воситалар сафарбар этилди. Сув босган маҳаллалар аҳолиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилинди, бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланди.

Юзага келган талафотни бартараф этиш ишлари изчил давом этмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиб, тур-

муш шароитларини тиклаш чораларини кўрмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда тиклаш ишлари куну тун ташкил қилинган, юзлаб қурилиш ва бошқа махсус техника воситалари тинимсиз ишламоқда. Сув иншоотларига ихтисослашган юқори малакали муҳандислар, бошқа туташ соҳа ва тармоқлар ишчи ва экспертлари жалб этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2 май кунги Сардоба сув омборига бориб, тўғонни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилган ҳолда, дамбани мустаҳкамлаш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган Сардоба туманидаги Навоий номидаги маҳаллага борди. Ҳукумат комиссияси мутасаддилари

амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сув чекинганидан кейин ўз маҳалласига қайтган одамлар билан мулоқотда бўлиб, талафот кўрган жойларда турмуш шароитлари тез кунларда тикланиши, аҳолига ҳар томонлама кўмак берилишини таъкидлади.

— Шундай оғир пайтда ҳаммамиз сизларнинг ёнингиздамыз. Аввало, ҳар бир маҳаллага кириб, ўт ўчириш машиналари ёрдамида сувни

қочирамиз. Қурилиш, таъмирлаш ва янги уйлар барпо этиш бўйича халқ билан маслаҳатлашиб иш тутамиз. Ҳаммасини секин-секин жойига қўямиз. Фермерларнинг масаласи ҳам даласига чиққан ҳолда ҳал этилади. Энг муҳими, ўзларингиз соғ-саломат, болаларингиз ёнингизда экан. Кўнгилни тўқ қилинглар. Худога илтижо қиламизки, бизга мададкор бўлсин, охириги кўрганимиз шу бўлсин, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласи ва Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласи туташган ҳудудда ҳам бўлди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъуллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Сардоба сув омбори тўғонининг кутилмаганда очилиши ва унинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, талафот кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий объектлар ва қишлоқ ҳўжалиги майдонларини тезроқ тиклаш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бугун бутун мамлакатимиз эътибори Сардоба туманидаги табиий офат асоратларини бартараф этишга, сув тошқинидан азият чеккан юртдошларимизга моддий ёрдам кўрсатишга, маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Олижаноб ва меҳр-оқибатли халқимиз ҳамжиҳат бўлиб, Сирдарёга озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош ва бошқа зарур маҳсулотлар юкланган кўмак қарвонларини юбормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардобадаги фавқулодда ҳодиса сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган одамлар билан мулоқот қилиб, улардан кўнгил сўради. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳаммага ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

Ҳукумат комиссиясига берилган кўрсатмалар асосида сув босган ҳудудларни тозалаш, қурилиш ва таъмирлаш, турмуш маромини йўлга қўйиш бўйича ишлар узлуқсиз давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2 май тунда Тошкентга қайтиб келди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май кунги Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалда давлат раҳбарлари Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса билан боғлиқ жорий вазиятни ҳамда унинг мамлакатларимиз чегараолди ҳудудларидаги оқибатларини бартараф этиш бўйича яқин ҳамкорлик ишларини ташкил этиш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Президентлар ҳукуматларга ишни мувофиқлаштирган ҳолда таъминлаш ва юзага келаётган барча масалаларни тезкор ҳал қилиш бўйича топширик бердилар.

Шунингдек, мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва унинг икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсирини камайтириш борасида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳамда кўп қирралли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш истикболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки давлат Бош вазирлари бошчилигидаги

Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаол ишини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, Қўстанай шаҳридаги қўшма корхонада автомобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини еттиштириш ва қайта ишлаш, унчинчи мамлакатлар бозорига чиқариш, замонавий транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа йўналишлар бўйича қатор янги дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитида эришилган келишувларга мувофиқ ўтган соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирлари онлайн анжуманларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Мулоқот аънавий саноатий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

■ Акс садо

ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТ

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фани тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, том маънода, тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Бу билан мамлакатимизда мазкур соҳада кадрлар тайёрлашининг янги даври бошланмоқда, дейиш мумкин.

Тошкент давлат юридик университети юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида деярли ягона олий таълим муассасаси ҳисобланар эди. Ўз навбатида, бу борада муқобил ва шунга мос равишда соғлом раёқобат муҳитининг мавжуд эмаслиги юридик таълим сифатида салбий таъсир кўрсатаётган эди.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

Ўзбекистонда

2020 йил 2 май соат 23.00 ҳолатига кўра,

касалланганлар сони — 2118 нафар,

тузалганлар 1271 нафар,

вафот этганлар 9 нафар.

дунёда

2020 йил 2 май ҳолатига кўра,

жами касалланганлар сони — 3 402 409 нафар,

тузалганлар 1070 333 нафар,

вафот этганлар 242 010 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

«ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИ, ХАЛҚИМИЗ МЕҲР-ОҚИБАТИНИ ЯҚҚОЛ ҲИС ҚИЛМОҚДАМИЗ»

Танти халқимизнинг меҳр-муруввати, оқибати ва хайру саховати бугунги синовли кунларда янада яққол намоён бўлмоқда. Табиий офат натижасида жабрланган Сардоба аҳолисига давлатимиз, юртдошларимиз томонидан кўрсатилаётган кўмак қўламини тобора кенгайиб борапти. Айни чоғда “Биз биргामиз, бирга енгамиз!” шиори остида ҳимийлик ёрдамлари кенг қулоч ёзди.

Айтиш керакки, бу фавқулодда ҳолатга ҳеч бир юртдошимиз бефарқ қараётгани йўқ. Биз бирга бўлсак, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга қодирмиз, деган юксак ишонч бугун ҳар бир ватандошимизнинг қалб амрига айланди, десак, янглишмаймиз. Ахир халқимиз бундан-да оғир вазиятларни, қийинчиликларни ўзаро аҳилликда мардонавор бартараф этган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва кўрсатмаси асосида авария ҳолатидаги ҳудуд фуқаролари тезкорлик билан хавфсиз ҳудудларга тўлиқ эвакуация қилинди. Одамлар Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Шароф Рашидов туманлари ва Жиззах шаҳрига вақтинчалик жойлаштирилди. Жабрдийдаларнинг 52 фоизи 32 та ижтимоий соҳа объектларига жойлаштирилган бўлса, 48 фоизига 2 минг 500 га яқин хонадонлардан жой берилди.



«БИЗ БИРГАМИЗ, ҲАР ҚАНДАЙ ОФАТНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!»

Инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик меҳр-шафқат ва ўзаро ёрдамга асосланган умумхалқ ҳаракати бугун барчани бир мақсад йўлида янада жипслаштиряпти. Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юзага келган фавқулодда ҳодиса натижасида жабр кўрган юртдошларимизга мамлакатимизнинг барча ҳудудидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдамлари келиши давом этмоқда. Ушбу хайрия тадбирларида саховатпеша инсонлар, ташаббускор ёшлар ҳамда кўнгиллилар гуруҳлари ҳам четда эмас.



Қорақалпоғистон Республикасидан Сирдарё вилоятида рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш мақсадлари учун 5 миллиард сўмлик бераз ёрдам пуллари ажратилди. Шунингдек, 550 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 30 бош қорамол, 35 тонна гуруч юкланган юк машиналари қарвони жўнаб кетди.

Айтиш жоизки, яқинда Бухоро вилоятида юз берган табиий офатдан жабр-



ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИКДА

«ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИ, ХАЛҚИМИЗ МЕҲР-ОҚИБАТИНИ ЯҚҚОЛ ҲИС ҚИЛМОҚДАМИЗ»



◀1

Сардоба туманида яшовчи яна бир ғуруҳ юртдошларимиз Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Янгийўл ва Бўқа туманлари ҳудудидаги ижтимоий объектлар ҳамда аҳоли хонадонларига жойлаштирилди. Бу оилаларга мутасадди идоралар томонидан ўз вақтида зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жумладан, Оққўрғон туманида жойлашган санаторийда 50 нафар сирдарёлик юртдошимиз қўним топди. Улар учун иссиқ овқат, турли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериляпти. Шифокорлар томонидан меҳмонларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилиб, саломатлиги назоратга олинмоқда.

— Элимиз, юртимиз доимо тинч бўлсин, — дейди санаторийда яшайдиган Соҳиба ая Ҳамдамова. — Биз Сардоба кўрғонидан келдик. Шу воқеа рўй берган кунни эрталабдан бизни хавфсиз жойларга қўчиришди. Жуда хавотир-да эдик. Президентимиз шу куннинг ўзида вилоятимизга етиб келиб, барчамизга далда бўлди. Давлатимиз, халқимизнинг мурувватини ҳис қилиб, кўнглимиз таскин топди. Ҳолимиздан мун-

чекканларга меҳр-мурувват кўрсатишда алоҳида ажралиб турди. Хусусан, туманнинг Самарқанд маҳалласида яшовчи Бобоевлар оиласи юз берган кўнглисиз ҳодиса туфайли турар-жойини йўқотган икки оилани ўз хонадонига қабул қилди. Ушбу икки оила шу пайтга қадар Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласида яшаб келган эди.

— Сардоба сув омборидаги талафот туфайли Бўқага келдик, — дейди Хадича ая Нормуронова. — Оилада 8 кишимиз. Уйдан чиққан пайтда кўркүв бор эди. Аллоҳдан юртимизни, фарзанд-



ларимиз ва набираларимизни ўз паноҳида асрашини сўраб келдик. Бўқалиқлар бизга бағрини очиб, яхши кайфиятда кутиб олди. Шифокорлар келиб, саломатлигимиздан хабардор бўлиб туришибди.

Шу туманнинг Гулзор кўчасида яшовчи Дўстбековлар оиласи ҳам талафотдан зарар кўрган турт оилани ўз бағрига олди. Улар учун барча шарт-шароит яратиб берилди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳамжиҳатлик эл бошига иш тушганда билинади. Бугун халқимиз кўрсатётган юксак инсонпарварлик жиҳатлари бу синови кунларни биргаликда, ҳамжиҳатликда энгишимизга мустаҳкам асос бўлиши, шубҳасиз. Зеро, қудратимиз — аҳиллик ва ҳамжиҳатликда.

«БИЗ БИРГАМИЗ, ҲАР ҚАНДАЙ ОФАТНИ БИРГАЛИКДА ЕНГАМИЗ!»

◀1

Масалан, вилотат марказидаги "Aisha Home Textile" масъулият чекланган жамияти 250 миллион сўмлик ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлардан сирдарёликларга жўнатди.

— Икки кундан буён кўнғироқлар тинмаяпти, — дейди Наманган вилоти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи Шухрат Кенжаев. — Халқимиз, фаолларимиз, тadbиркорларимиз ўз ташаббуслари билан сирдарёлик ватандошларимизга ёрдам кўрсатамиз, деб мурожаат қилишмоқда. Кўмакнинг биринчи ғуруҳини жўнатдик. Хали қўллаб тadbиркорларимиз беиминат ёрдам кўрсатишга тайёр турибди.

Офат жабрдийдаларига кўмак беришда **Навоий вилоти** аҳли ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Улар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ва бошқа воситалар хайрия сифатида тайёрланди. Аҳамиятлиси, вилотат тadbиркорлари сирдарёликларга 27 турдаги кийим-кечакларни ҳам ҳадя этдилар. Бугун навоийликлар сирдарёликлар бошига тушган ташвишли кунларни ўзиники билиб, уларни қўллаб-қувватлашга оз бўлса-да ҳисса қўшаётганидан мамнун.

— Бугунги кунда навоийлик тadbиркорлар бирлашиб, имкони борича сирдарёликларга ёрдам беришга шай, — дейди тadbиркор Фарход Эрназаров. — Ахир дўст кулфатда билинади. Бу синовлар халқимизни янада инोक, чидамли, матонатли бўлишга ундайди. Насиб этса, йиғилаётган турли озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари зудлик билан ўз эгаларига етказиб берилади.

Бундан ташқари, Сирдарё вилотида очилган махсус ҳисоб рақамига Навоий вилоти томонидан маблағлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Андижон вилотидан инсонпарварлик ёрдами — 5 тонна ун, 500 кг. ёғ, 600 кг. гўшт, 3 тонна картошка, 2 тонна гуруч ва 2 тон-



на макорон ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, 35 мингта тиббий нқиб, 10 минг дона бир марталиқ идишлар, 145 мингдан зиёд кийим-кечаклардан иборат мурувват карвони жабрланган фуқаролар дaдига, оз бўлса-да, малҳам бўлади, деган умиддамиз.

Вилотат аҳли шу билан кифояланиб қолиш истағида эмас. Шу сабаб келгуси амалий ёрдамга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

— Сардоба сув омборидан сув сизиб чиқиши натижасида юзага келган вазият нафақат сирдарёликларнинг, балки барчамизнинг ташвишимиздир, — дейди жалакудуклик меҳнат фаҳрийси Манзураҳон Эгамова. — Зеро, Ўзбекистонда яшайдиган инсон борки, бир тану бир жонми! Шундай экан, юртимизда содир бўлган ҳар қандай ноҳус вазиятга бефарқ бўлмаймиз. Бундай пайтда имкон қадар ёрдам бериш инсонийлик бурчимиздир.

Бугун **фарғоналиклар**нинг ҳам бутун диққат-эътибори Сирдарё вилотида қаратилган. Оддий одамдан тортиб, тadbиркоргача, йирик корхоналар жамоаси Сардоба сув омборида юз берган офат туфайли жабр кўрганлар кўнглини кутаришга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга, сув тошқини оқибатларини бартараф эттишга ошмиқдир.

— Кутилмаган бу воқеани эшитиб, бутун республикамиз аҳли

қаторида фарғоналиклар ҳам, айникса, биз, нурунийлар жуда-жуда қайғурдик, — дейди Олий Маҳлис Сенати аъзоси Тоғиболди Холдоров. — Халқимиз шунчалик меҳр-оқибатли, саховатпеша халқ, бирининг бошига тушган дард иккинчисининг танасида ўзини намоён қилади. Албатта, биз Президентимизнинг ўша жойига бориб, одамларнинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат бўлишга, ташвишга тушмасликка ундаётганлигини қўриб, қувондик. Фарғонада қанча-қанча тadbиркорларимиз бор. Иноамизки, Сирдарё аҳлини ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаймиз.

Сардоба сув омборида содир бўлган фавқуллода вазиятдан зарар кўрган аҳолига **сурхондарёликлар** ҳам инсонпарварлик ёрдами кўрсатиляпти. Дастлаб Жарқўрғон, Қумқўрғон, Денов ҳамда Шўрчи тумани ҳокимликлар томонидан картошка, пиёз, сабзи, саримсоқпйёз сингари жами 60 тонна озиқ-овқат маҳсулоти етказиб берилган бўлса, кунни кеча яна 40 тонна турли хил озиқ-овқат ва кийим-кечак ортлган юк машиналари Сирдарё вилоти томон йўлга чиқди. Бинобарин, оғир кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, далда бўлиш, яқиндан кўмаклашиш, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятдир.

— Ҳар қандай фалокат, офат кутилмаганда содир бўлади, — дейди Сурхондарё вилоти Ма-

ҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Махлуذا Қобилова. — Сардоба сув омборидаги сув тошқини мазкур ҳудудга каттагина талафот олиб келди. Аҳоли тураржойлари ва экин майдонлари жиддий зарар кўрди. Бу муҳиш ҳодиса салбий оқибатларини бартараф этлиш бўйича ҳукумат комиссияси қатори бутун халқимизни сирдарёликлар атрофида бирлашишга ундади.

Бундай синови кунларда, энг муҳими, саросимага тушмаслик. Шўрки, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиб, мавжуд техноген вазият жойларга қўчилди. Зеро, эл бошига ташвиш тушганда уни матонат ва сабр билан енгиб ўтиш мумкин. Биз, сурхондарёликлар ҳам оғир кунларда сардобаликларга елкадош бўлиш учун инсонпарварлик ёрдамларини жўнатдик. Бугуннинг ўзида 100 тоннага яқин озиқ-овқат, шунингдек, кийим-кечакдан иборат гуманитар ёрдам юклари махсус техникаларда Сирдарё вилотида етказилди. Биз биргаликда, ҳар қандай офатни биргаликда енгамиз.

Сирдарё вилотининг офатдан зарар кўрган аҳолисига мамлакатимизнинг барча ҳудудидан инсонпарварлик ёрдамлари келиши давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Жасорат унутилмайди

Она юрт тинчлиги ва осойишталигидан азизроқ неъмат борми бу дунёда?! Уни муҳофаза қилишдан ҳам улғувор жасорат-чи? Йўқ, албатта. Иккинчи жаҳон уруши йилларида оловли жангтоҳларда душман зарбасига муносиб жавоб қайтара олган, Ватанимиз тинчлиги учун мардонавор курашган, чинакам жасорат намунасини кўрсатган ана шундай юртдошларимиздан бири бойсунлик Раҳим ота Шариповдир.

БИР ҚЎЛИДА ҚУРОЛ БИЛАН

юрт тинчлигини асраган,

БИР ҚЎЛИДА КИТОБ БИЛАН

ёшлар маънавиятини бойитган

Р. Шарипов мактаб тахсилдан сўнг, 1940-1941 йилларда Душанбе шаҳридаги бир йиллик ўқитувчилар таъмирлаш курсини тамомлаб, 1943 йилга қадар муаллимлик қилган. 1943 йилда фашистларга қарши жангга сафарбар этилган ўғлон, Украин- Харьков, Запорожье шаҳарлари- ни овоз қилишда қатнашган. Уша йилнинг 30 октяб-рида Запорожье вилотининг Мелитополь шаҳрида ўнг қўли ва чап оёғидан оғир яраланиб, госпитал-ларда даволанади. 1944 йилнинг май ойида иккинчи ғуруҳ ноғи-рони сифатида ўзи туғилган юр-тага қайтиб келади.



— Урушда снайпер сифатида душман кўшинларини яқсон қилишда катта ҳисса қўшган отам қонли жанглар, кўрган-ке-чирган машаққатлари ҳақида бизга қўп маротаба гапириб берган, — дейди Саидхамд Шарипов. — Шундай ҳикоялари-дан бирида айтишича, навбат-даги уруш талафўллари пайтида юзага келган саросималиқдан фойдаланган фашист аскарлари унинг сафдошларини қуршовга олишди. Бироқ вазиятни узоқ масофадан, снайперлик қуроли орқали кузатиб турган отам душ-ман аскарларини бирин-кетин ерга кулатади. Ўқ қайси томон-дан учиб келганини тушунолмай қолган фашистлар бир зум ган-дираклаб, талвасага тушишади. Юзага келган саросималиқдан фойдаланган отамнинг сафдош-лари шу тариқа қуршовдан чи-қиб кетишга муваффақ бўлиш-ган экан.

Биринчи даражали "Улуг Ватан уруши" ордени соҳиби Раҳим Шарипов Ватан олдидаги қарзи-ни нафақат унинг тинчлигини ас-раш йўлидаги хизматлари, балки

ёшларга таълим бериш, уларга зиё тарқатиш иши билан ҳам уза олган фидойи, жонқур инсон эди. У 1956 йилга қадар Бойсун туманининг Пасурхи маҳалласи-даги 5-мактабда ўқувчиларга математика фанидан дарс бера-ди ҳамда илмий бўлим мудир сифатида фаолият юритади. 1956 йилдан 1993 йилгача, нафақага чиққунга қадар туман халқ таълими бўлимида турли ва-зифаларда ишлади. У қўп йил-лик самарали меҳнати, ёш авлод-ни ватанпарварлик руҳида камол топтиришга қўшган ҳиссаси учун "Ҳурмат белгиси" ордени, "Ўзбе-кистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони билан тақдирланди.

Олти ўғил, икки қизни воёга етказиб, ҳаммасини маълумотли, уйли-жойли қилган отахон ёру дўстлари, жигарғўшалари дав-расида узоқ йиллар мўйсафидлик гаштини сурди. Пирү бадавлат отахон ўтган йили 13 апрель кун-и 93 ёшида вафот этди.

...Инсон хотира билан тирик, қадр билан улғу. Бугунги тинч ва осойишта кунларга осонликча эришилгани йўқ. Шунинг учун ана шу йўлда жасорат кўрсатган, меҳ-нат қилган инсонларни ёд этиш, эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шарқшунослик соҳасида янги авлод кадрлари тайёрланади

Бугунги синови кунларга қарамасдан, мамлакатимизда таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга бўлган эътибор бир зум ҳам сусайтирилмай, изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориладигани мазкур жабҳа давлатимиз учун қанчалик устувор аҳамиятга эга эканининг яққол тасдиғи сифатида кўзга ташланмоқда.

Таълим

Юртбошимизнинг жорий йил 16 апрелдаги "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарори бунга бир мисолдир. Ушбу ҳуж-жат асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтига "уни-верситет" мақоми берилиб, унинг янги тараққиёт босқичи белгилан-ди. Бу билан, ўз навбатида, за-мон талабларига жавоб беради-ган янги авлод шарқшунос-кадр-ларни тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилди.

Айни пайтда дунёнинг илк йи-гирматалигидан жой олган дав-латларнинг ярми Осиё минтақа-сида жойлашган. Қолаверса, Ўзбекистоннинг асосий стратегик ҳамкорлари ҳам ушбу минтақада. Юртимиз тараққиётининг ҳозир-

ги босқичида Жанубий Корея, Япония, Хитой, Хиндистон, Покис-тон, Афғонистон, Туркия, Эрон, Жануби-Шарқий Осиё, Марказий Осиё, Араб минтақаси мамлакат-лари бўйича мутахассисларга, умуман, юртимиз манфаатлари-ни муносиб ҳимоя этадиган шарқ-шунос кадрларга эҳтиёж катта.

Қарорда "Шарқ мамлакатлари-нинг тиллари, тарихи, мадания-ти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сибасати, халқро майдондаги нуфузи, уларнинг за-монавий антропология ва этно-логияси, таржимашунослик, шу-нингдек, туризм ва гид ҳамроҳ-лиги соҳаларида замонавий би-лимларни мукаммал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбар-дош бўлган кадрларни тайёрлаш" иши бирламчи вазифа қилиб бел-гиланган.

«Ўз вужудингга тафаккур айлагил»

Бугун сайёрамизда юз бераётган ҳодисалар одамзод умумий олам организмидан бир бўлаги, фаол ҳужайраси эканлигини яна бир бор исботламоқда. Олам сарвари бугун жиддий ташвиш билан рўбарў туриб, гўё разолат ва маърифат қарама-қаршилиги синовидадан ўтмоқда.

Муносабат

Саломатлик — энг буюқ неъмат, бой-лик! Бу бахтнинг кадр-қиймати, баҳоси ҳар доим йўқотилганда ошгандай туюлади. Шунда инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзини яна бир бор таҳлил этади. Сабоклар чиқаради.

Дунёга хавф солаётган COVID-19 пан-демияси инсониятни ўзини қайта ислоҳ қилишга ундади. Тиббий маданият, шахсий санитария ва гигиена мезонлари ўзгармоқ-да. Шунинг бораборида, инсониятнинг ҳаётий фалсафаси, либерал қарашлари ҳам ислоҳ этилиб, маънавият аслига қайтмоқ-да гўё.

Инсоният ўз тарихида юзлаб энг юкум-ли касалликлар эпидемияси, пандемия-сига рўбарў келиб, тафаккур олами ва бирдамликдаги фаоллиги билан ҳар доим голиб келган. Афсуски, минглаб, юз

минглаб, миллионлаб қурбонлар эвазига! Коронавирус пандемияси билан боғлиқ бугунги кун воқеалиги ҳам Одам Ото авло-ди яна бир жиддий синовга қарши тур-ганлигига ишора қилмоқда. Уни қанчалик тез бартараф этса, талафот шунча кам бўлади.

COVID-19 пандемияси, афсуски, она ди-ёримизни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакат-и-мизда коронавирус инфекциясининг кенг ёйилиб кетмаслиги, имкон қадар бетала-фот бартараф этиш ҳамда миллий иқтисо-диёт барқарорлигини таъминлаш мақсади-да ўта муҳим чора-тadbирлар тезкорлик билан белгиланган, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Коронавирус инфекцияси аниқланган илк кунларданок Президенти-миз томонидан тезкор тadbир — карантин ҳолати жорий этилганлиги энг тўғри ва са-

марали қарор бўлди. Хориждан илғор тиб-бий технологиялар келтирилиб, тахриба-ли шифокорлар жалб қилинмоқда. Тиббий муассасалар бунёд этилиб, бу кўринмас балога қарши курашнинг фидойилари химояланмоқда, рағбатлантирилипти. Қал-бида инсонийлик туйғулари жўш урганлар ёнидагиларга ёрдам бераётир. Бу ҳаёт ташвишини тақсимлаб, қувончини баҳам қурмоқда. Бошқароққ айтсан, юртимизда ҳеч ким ўз ташвиши билан ёлғиз қолгани йўқ.

Дафъатан, ҳазрат Навоийнинг қуйидаги шохбайти ёдга тушади:

**Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзунгдин истагил.**

Дарҳақиқат, ҳар қандай сўроққа жавоб, ҳар қандай муаммога ечим инсоннинг ўзида, ботинида зухур этилган. Коронави-рус фақат ҳужайра ичида ҳаётга қиради. Демак, бизсиз унинг ҳаракати нолга тенг, бизнинг носоглом хатти-ҳаракатларимиз эса унинг ҳаётийлигини таъминлаб беради.

Тарихда ҳар қандай вабо касаллигининг илк муолажаси "тош қотиш", яъни уйдан чиқмаслик муолажаси ҳисобланган. Бу му-олажани ўн турт аср олдин суюкли

пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) муборак ҳадисларида келтирилган. Чиндан ҳам, уйимиз ҳар қандай хавф-хатардан яқинла-римизнинг қуршови, меҳри билан ҳимоя-ланган оламнинг энг гўзал иқидидир.

Дунё статистикасида гўдаклар орасида коронавирус касаллиги кам қайд этиляпти. Болаларда ваҳима, нафрат, саросима, хавфсираш, кўркүв ва шу каби ҳиссийлар камдан-кам кузатилади. Улар, ҳатто касалликларини ҳам ҳаракатда, ўйнаб-қув-наб ўтказишади. Шу боис улар негатив ўй-хаёлларга ақлан ва қалбан ёпиқдир. Тиб илмининг султони Ибн Сино ҳазратлари: "Ҳис ички руҳга қаттиқроқ таъсир этади ва уни ҳаракатга солишда ақлдан қучи-роқ-дир", деган эди. Шундай экан, баъзи ҳолат-ларни болалардай ҳис қилиб яшайлик!

Болаларимизни биздан ҳам қаттиқроқ яхши қўриб, ҳимоя қилаётган Юртбоши-мизга, давлатимизга уйда қолиб, янги билимларимиз, гоғларимиз, ўз ҳаётимиз-нинг янги тараққиёт йўли билан жавоб берайлик!

Лайло ОРЗИЕВА,
Зуфля номидаги Давлат мукофоти
совриндори.

Сенатор мушоҳадаси

Коронавирус пандемияси даврида мамлакатимиздаги кўплаб давлат тузилмалари ва хизматлари фаолияти ҳақиқий синовдан ўтмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг ўтган бир ярим ойдаги қатъий саъй-ҳаракатлари вазиятни назорат остига олиш имконини берибгина қолмай, инфекция тарқалишига қарши кураш бўйича қўшимча чоралар ишлаб чиқишга вақт заҳирасини таъминлади. Бунда, айниқса, юртимизда фаолият юритаётган санитария-эпидемиология хизмати муҳим ўрин тутди.

Фидокорона меҳнатга муносиб рағбат

Содда тилда айтганда, кўчалар ва бинолардаги тозалик, сотилаётган истеъмол маҳсулотлари сифатини назорат қилувчи ва бошқа кўплаб ишларни бажарувчи маскур хизмат зиммасига тиббиёт ходимлари билан бир қаторда, кўплаб залварли вазифалар юкланди. Мамлакатимиз ичкарисида касаллик тарқалишига йўл қўймаслик, беморлар сони кескин ўсишининг олдини олиш, хатар гуруҳлари, айниқса, катта ёшдаги инсонлар ҳумосини таъминлаш каби муҳим масалалар шулар жумласидандир. Эътироф этиш керак, санитария-эпидемиология хизмати ўзига юклатилган вазифаларни юқори даражада ундаймоқда. Бинобарин, 29 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан қафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселек-

Шомансур САЪДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Эскирган тизимдан воз кечилмоқда

Бизда прописка билан боғлиқ эскирган тизим узоқ вақт мобайнида турли муаммоларга сабаб бўлди, аҳолига кўплаб қийинчиликлар туғдирди. Президентимизнинг шу йил 22 апрелдаги “Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса йиллар давомида ечилмай келган ана шу масалани ҳал этишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Фармоннинг энг асосий жиҳатларидан бири шундаки, у билан рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан тўлиқ рақамлаштирилган босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиляпти. Яъни шу йўл билан, аввало, коррупциянинг яна бир катта манбаи йўқ қилинмоқда. Эндилкида рўйхатдан ўттиш жараёнлари имкон қадар инсон омили иштирокисиз, “бир дарча” тамойили бўйича амалга оширилади. Статистик маълумотларга кўра, амалдаги қонун талабларига мувофиқ, 2012 йилдан 2020 йил январига қадар Тошкент шаҳрида жами 219 604 нафар, Тошкент вилоятида 76 912 нафар фуқаро доимий прописка қилинган. Ушбу йўналишда муурожаатлар тахлили шуни кўрсатдики, вилоятларда яшовчи айрим фуқароларимиз Тошкент шах-

Рустам КАЛАНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Оилавий тадбиркорликнинг афзаллиги нимада?

- Оилавий бизнес бошламоқчимисиз?
- Бунга қай даражада тайёрсиз?
- Унинг афзалликларини ўрганганмисиз?

Дунё тажрибасида самарали бизнес ҳисобланган бу йўл, албатта, сиз учун ҳам фойдали ва даромадли бўлиши мумкин — агар сиз қонун талаблари доирасида иш юритсангиз.

Депутат фикри

Ўз бизнесингизни бошлаётгангизда унинг ҳуқуқий тузилмасини танлаш муҳим ўрин эгаллайди. Тадбиркорлик турини танлашда, солиқ солиш ва лицензия турларини ҳисобга олиш лозим. Бизнесингизнинг шаклига қараб, якка тадбиркор, ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти, кичик корхона, оилавий тадбиркорликка ажратиш мумкин. Эндигина ўз ишини бошлаётган тадбиркорлар танлов имкониятига эга: ишни бир ўзи ташкил этиши ёки ҳамкор топиб, бизнесни бирга юритиши мумкин. Ҳамкорликда бизнесни бошлаш эҳтиёткорлики талаб этади. Агар ҳамкорингиз, сиз ўйлагандек ҳалол ва уддабурон бўлмаса, қанча машаққат билан йўлга қўйган ишингиз таназзул томон ўз тутиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни биз-

нес ҳамкори сабаб касодга учраган кўплаб фирмалар, йирик компаниялар мисолида кўриш мумкин. Бу борада самарали йўл оилавий тадбиркорликдир. Оилавий тадбиркорлик танланган тақдирда шерик бўлиб, ота-она, эр-хотин, тадбиркор, ширкат, фарзандларингиз ва невараларингиз бўлади. Улар сиз кўпроқ ишона оладиган энг яқин инсонларингиздир. Дунё тажрибасидан кўрадиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда оилавий тадбиркорлик кенг оммалашган. Масалан, Европада ҳатто оилавий корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун “European Family Businesses” ташкилоти ташкил этилган. Ушбу ташкилот маълумотига кўра, Европа давлатлари ялли ички маҳсулотининг 50 фоизини оилавий тадбиркорлик улушига

тўғри келади. Жами бўлиб Европа Иттифоқида 14 миллиондан зиёд оилавий корхоналар мавжуд. Улар томонидан хусусий секторда 60 миллион иш ўрни ташкил этилган. “Кўхна қитъа”нинг кўплаб давлатларида оилавий тадбиркорликнинг улуши жами корхоналарнинг 55 фоиздан 90 фоизгача тўғри келади. Шу жумладан, фақат кичик бизнесга мансуб корхоналар эмас, балки йирик оилавий корпорацияларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мисол учун, Франция ва Германиядаги 250 та энг йирик корхонанинг 40 фоизини оилавий бизнесга тегишли. Оддий ҳамкорликдаги тадбиркорликнинг умри 5 йилдан 10 йлгача бўлса, оилавий тадбиркорликнинг давомийлиги ўртача 100 — 150 йилни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, оилавий корхоналарнинг узоқ мuddатли муваффақиятларига оилавий кадриятлар, иш маданияти, ходимларнинг барқарорлиги сабаб бўлмоқда. Шундай экан, бу йўлда бизнеснинг таназзулга юз тутиш хатари анча паст. Оилавий тадбиркорлик танлангандан кейин биринчи қилинадиган иш нимадан иборат? Бу борада қайси ташкилий шаклни танлаш, мулкни муносабатлар, унинг иштирокидаги қим, улуш тақсимоти, солиқ тўлаш усули ва бошқа ташкилий масалаларни ўйлаш лозим. Қолаверса, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги”

Қонун билан пухта, атрофчила танишиш жуда муҳим. Унда яратилган шарт-шароитлар муфассал ифода этилган. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соҳани янада ривожлантириш мақсадида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модадама-модда муҳокама қилинди. Лойиҳа билан юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари уч нафаргача доимий ишчиларни ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болаларни ва невараларининг эрини (хотинини), меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини,

Оддий ҳамкорликдаги тадбиркорликнинг умри 5 йилдан 10 йилгача бўлса, оилавий тадбиркорликнинг давомийлиги ўртача 100 — 150 йилни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, оилавий корхоналарнинг узоқ мuddатли муваффақиятларига оилавий кадриятлар, иш маданияти, ходимларнинг барқарорлиги сабаб бўлмоқда.

уларнинг хотинини (эрини) ва болаларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектининг иштирокчиси сифатида жалб этишга ҳақли мазмундаги норма билан тўлдирилди. Маскур қонунга ўзгартишлар киритилиши, халқимизнинг, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини эндигина бошлаётган оилаларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим қадам бўлади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Бугунги мураккаб даврда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш заруратга айланган

Бугун коронавирус пандемияси барча мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар келтирмоқда. Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботида жорий йилда жаҳон иқтисодиёти кўрсаткичлари 3 фоизга пасайиши кутилаётгани айтимлоқда.

Маҳаллий Кенгашларда

Бу қандай ҳулосани беради? Албатта, барча давлатлар каби мамлакатимизда ҳам айни кундаги иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, аҳоли даромадларини оширишда томоққаларга, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига реянда кўпроқ эътибор қаратиш ни, даромадлар қамайиб кетмаслиги учун жамики имкониятларини ишга солишни тақозо этади. Президентимиз раислигида шу йилнинг 16 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида юқоридаги муаммоларга қимё, агротехника ва автомобиль саноати корхоналарида ишлаб чиқариш сўрьатларини таъминлаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари мисолида муурожаат қилинди. Унда таъкидланишича, жорий йилда 9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 280 миллион доллар

лик экспорт режалаштирилган. Энди имкон қадар мазкур режани амалга оширишга эришиш зарур. Ҳозирги эпидемиологик вазият сабаб тозалаш ва дезинфекция воситаларига талаб режадагидан бир қадар ортиб кетди. Шу боис бор имкониятларни тўлиқ сафарбар этишимиз керак. Мавжуд қувватларни модернизация қилиш айни заруратдир. Бунинг учун, албатта, соҳада янги лойиҳаларни тайёрлаш лозим. Биз, депутатлар эса бу борада ҳар қандай кўмакка тайёرمىз. Бугун қишлоқ ҳўжалигини янада тараққий эттириш учун ҳаракат қилиялмиз. Бу борада аввалги йиғилишларда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан аниқ тақлифлар берилди. Аммо бу борада соҳада бир қатор масалалар бор. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарилган

Юридик кадрлар тайёрлаш тизимида муҳим аҳамиятга эга ҳужжат



Шу боис Фармонга асосан, Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилиши белгилангани диққатга сазовор.

Ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, ёшларни олий юридик таълим билан қамраб олиш даражаси анча паст. ТДЮУда ҳар йили ўрта ҳисобда 600 нафар мутахассис етишиб чиқади. Бу эса мамлакатимиз олий таълим муассасаларидаги барча битирувчиларнинг 0,78 фоизини ташкил этади. Биргина Адлия вазирлиги тизимида кадрлар алмашинуви даражаси ҳар йили ўртача 12 фоиз (900 нафардан ортиқ)ни ташкил этиши ҳисобга олинса, малакали юридик кадрлар етишмаслигини англаш қийин эмас.

Сир эмас, юртимизда сўнгги йилларда хорижий бизнес ва инвестиция муҳитининг фаоллашуви билан халқаро даражадаги юристларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу борада университет томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг бошида халқаро арбитраж соҳасида Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конферен-

цияси билан ҳамкорлик ўрнатилди. Эътиборлиси, университет мазкур ташкилот ҳамкорлик ўрнатган 17-университет бўлди. Айни дамда университетнинг халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети ташкил этилмоқда. Халқаро арбитраж ҳуқуқини қучур ўрганиш, шунингдек, миллий ва япон, немис ҳуқуқи ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимларини қиёсий тадиқ қилиш асосида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш факультетининг асосий вазифаси этиб белгиланди. Қолаверса, Япониянинг Нагоя университети ҳамда Германиянинг Регенсбург университети билан узвий ҳамкорлик қилиши кўзда тутилди.

Шу билан бирга, 2020 — 2025 йилларда етакчи япон, немис ва бошқа чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича ўқув адабиётлари туркумини давлат тилига таржима қилиш ва чоп этиш ташкил қилинмоқда. Бу эса талабаларнинг ҳуқуқдаги замонавий тенденциялардан баҳраманд бўлишига имкон беради.

Валимуҳаммад ДАВЛАТОВ, Олий Мажлис ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи.

Экологик аудит, албатта, керак

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлисга Муурожаатномасида ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқиб, ҳусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш лозимлиги алоҳида таъкидлангани диққатга сазовордир.

Нуктаи назар

Ўзбекистонда экологик аудит ўтказишининг ҳуқуқий асослари “Экологик экспертиза тўғрисида”ги, “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги қонунларнинг айрим нормаларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Экологик аудит тўғрисида”ги низомида белгиланган. Лекин айтиш жоизки, амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тароққ ҳамда қатор нормалар ҳавола хусусиятига эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишининг ҳуқуқий механизмлари белгиланмаганлиги туфайли мамлакатимизда экологик аудит фаолияти ривожланган давлатлар даражасидан паст кўрсаткичларда қолмоқда. Шунингдек, экологик аудит ўтказган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун рағбатлантиришининг ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам ушбу тадбирни амалиётда кенг қўллашга тўсқинлик қилмоқда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда республикамизда атроф-муҳитга таъсир кўрса-

тувчи 90 та биринчи ва 947 та иккинчи тоифадаги ҳўжалик юритувчи субъект мавжуд бўлиб, 2019 йилда улардан атиги 558 таси ваколатли органлар томонидан ифлосланиш манбаларни мониторинги билан қамраб олинган. Ваҳоланки, дунёнинг аксарият давлатларида атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланишни назоратга олиш мақсадида таъсир етувчи барча ҳўжалик юритувчи субъектларга экологик назорат институтининг нодавлат, мустақил маҳсус тури — экологик аудит қўлланилади. Хусусан, АКШ, Буюк Британия, Канада, Италия, Швеция, Нидерландия каби давлатларда экологик аудиторлик фаолияти алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солинган. Франция ва Норвегияда эса экологик аудит ишлаб чиқариш ҳавфсизлигини текшириш ва давлат органларига ҳавфсизликни таъминлаш, хавфларни ўрганиш бўйича тегишли чора-тадбирларни қабул қилишда ёрдам кўрсатиш ҳамда кўчмас мулкни сотиб олиш мақсадларида жорий этилган. Бундан ташқари, 1991 йилдан

буён кўп мамлакатларда тижорат банклари экологик аудитни бериладиган банк ссудалари бўйича келажакда тўлов қобилиятига эга бўлмайдиган банк мижозларини олдидан аниқлаш ниятида фойдаланишни бошлаган. Бу орқали атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликда риюя қилмаган корхоналарга нисбатан молиявий чоралар кўрилади. Халқаро амалиётда аудиторлик текширувчининг ижобий натижалари қорхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, табиятни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини режалаштириш, тежамкор технологияларни танлаш, экологик бошқарув тизимини тўғри ва мақсадли ташкиллаштириш имконини яратди. Оқоридагилардан ҳулоса қилган ҳолда, айтиш мумкинки, экологик аудит барча саноати ривожланган мамлакатларда амалда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Ривожланаётган давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, зарурий ҳуқуқий базанинг, хусусан, икти-сослаштирилган яхлит қонуннинг йўқлиги экологик аудит хизмати тизимли жорий этишда му-



айян муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда депутатлар томонидан тайёрланаётган “Экологик аудит тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда экологик аудит соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2018 йил 3 октябрдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, экологик аудитни тартибга солишда халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси ваколатли давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари устидан доимий экологик текширувларини кескин қисқартириш, қорхоналарнинг атроф-муҳитга таъсири даражаси тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотларга тизимли равишда эга бўлиш ҳамда экологик

аудит хизматини ривожлантиришининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси концептуал равишда парламент қўйи палатасининг ялли мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинди ва ҳозир кенг жамоатчиликнинг таъсиялари, тақлифлари инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш учун такомиллаштирилмоқда. Ҳулоса ўрнида айтганда, экологик аудит атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Экологик аудит институтининг татиққ этилиши эса табиат мусаффолигини таъминлашда залварли қадам ташланаётганини англатади. Исрол ХУШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5